# ОШКОРАЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ОММА БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШИБ

Навбатдаги ягона сиёсий кунда шаҳар партия комитети аъзолари, сайлаб қўйилган активлар ва корхона раҳбарларидан 100 га яқин киши меҳнат коллективлари олдида докладлар билан чиқди. Улар олдиндан қаерда доклад қилишларини яхши билишарди. Шу боисдан ҳам белгиланган вақтда ягона сиёсий кун машғулотлари бошланди.

Сиёсий докладчилар социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга ким қандай ҳисса қўшаётганлигини маҳаллий мисоллар асосида атрофлича таҳлил қилдилар, тингловчилардан тушган саволларга жавоб қайтардилар. Бекободликлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб беш ой давомида планга қўшимча салкам 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръати 8,6 процентга ўсди. Бир қатор корхоналар реконструкция қилинди, цехлар қуввати ошди. Ҳозирги кунда ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга, ютуқлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Сиёсий докладчилар КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлида эришилаётган ютуқларга муносиб баҳо бердилар. Айни пайтда асосий эътиборни йўл қўйилаётган камчиликларга, фойдаланилмаётган резервларга қаратдилар. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Исроил Мандонов мартен цехи ишчилари ҳузурида сўзга чиқиб, кўп ойлардан бери шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлигини куюниб гапирди. Кадрлар қўнимсизлиги давом этяпти. Бу ҳол иш суръатига ҳам, сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Кейинги пайтларда сифат белгиси олган маҳсулотлар ҳажми кескин камайди. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлиги учун корхона кўплаб миқдорда жарима тўлаяпти.

Цемент комбинатида ҳам шартнома мажбуриятлари ой сайин барбод бўлаяпти. Сўзга чиққан корхона директори, шаҳар партия комитети аъзолигига кандидат А. Фармонов бунинг сабабларини очиқ-ойдин кўрсатиб ўтди. Энг аввало айланма печлар ремонти чўзиб юборилаяпти. Маҳсулот сифати ва миқдорини аниқловчи асбоб-ускуналар ишламаяпти. Янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича тушаётган таклифлар чуқур ўрганилмаяпти.

Бундай танқидий гаплар тикувчилик фабрикаси, ғишт заводи ишчилари йиғилишида ҳам айтилди. Бу корхоналарда беш ойлик топшириқлар кўпгина кўрсаткичлар бўйича бажарилмаган эди.

— Бўлиб ўтаётган ягона сиёсий кунларда одамлар ўзларини тўлқинлантираётган муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирмоқдалар,— дейди шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори Абдуллажон Исматов.— Биз тушаётган ҳар бир таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб амалга ошириш чораларини кўраяпмиз. Ишчиларнинг таклифи билан цемент комбинати территориясида янги озиқ-овқат магазини очилди. Гавжум жойлардаги 2 та пивохона ва «Фарҳод» ресторани ўрнида болалар ва ёшлар кафелари ташкил этилди. 13-микрорайоннинг 5-участкаси томон маршрутли такси қатнай бошлади, сабзавот билан савдо қилувчи дўкон очилди. Лекин бир қатор таклифлар хўжалик раҳбарларининг айби билан бажарилмай қолаяпти. Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари олдинги ягона сиёсий кунларда 13-, 14-микрорайонлар кўчаларини тунда ёритиш, ободонлаштириш, суғориш системаларини тартибга солиш зарурлигини уқтирган эдилар. Бу таклифлар ҳозирча эътиборсиз қолаяпти.

— Ягона сиёсий кунлар омма билан жонли мулоқотнинг энг яхши формаси бўлиб қолди,— суҳбатимизни давом эттирди шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Эркин Рўзиев.— Бу тадбир ҳар ойда бир марта мунтазам ўтиб турипти. Дарҳақиқат омма билан бўлаётган юзма-юз суҳбатлар чоғида кўпгина фойдали таклифлар ўртага ташланмоқда.

Шаҳар партия комитети омма билан ошкора суҳбатларнинг янги-янги формаларини излаб топаяпти. Шаҳар газетаси бўлмаганлиги учун меҳнат коллективлари билан тез-тез учрашишга, одамлар кўнглидаги гапларни тинглаб, уларнинг хоҳиш-иродалари бўйича иш юритишга тўғри келмоқда. Шу мақсадда шаҳар партия, совет, хўжалик раҳбарларидан иборат ахборот группалари тузилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Рўзиев бош бўлган группага саноат, транспорт, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоғи раҳбарлари аъзодир. Улар жойларда бўлганларида шу соҳалар бўйича тушаётган саволларга жавоб беришяпти. Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Б. Абдуллаев жамоат тартибини сақлаш бўйича тузилган группага, шаҳар партия комитети секретари Т. Я. Воронина маориф, маданият, медицина, спорт масалалари билан шуғулланувчи группага раҳбарлик қилмоқдалар. Шаҳар Совети ижроия комитети раиси Д. Қориев бош бўлган группа эса коммунал хизмат билан боғлиқ масалаларни ҳал этаяпти.

Ахборот группалари тузилгандан бери одамлардан юқори партия ва совет органларига келаётган шикоят хатлари кескин камайди. Ҳамма масалалар учрашув чоғида амалий тарзда ҳал этилаяпти.

Кейинги пайтларда меҳнат коллективлари ўртасида очиқ хатлар куни ўтказиш ҳам яхши анъанага айланмоқда. Цемент комбинатининг кон цехи ишчилари истиқомат қилаётган посёлкада ўтказилган очиқ хатлар кунида шаҳар раҳбарлари тўла иштирок этишди. Одамлар уй-жой ремонти, транспорт қатнови, ичимлик сув таъминоти, спорт ишларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ўртага қўйдилар. Ҳаммаси ҳақли талаблар эди. Шу учрашувдан сўнг 7-автобус посёлканинг юқори қисмигача қатнайдиган бўлди. Уйлар ремонти бошланди, спорт майдонлари қурилди.

Темирйўл ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи билан бўлган учрашувда ҳам мавжуд камчиликлар ҳақида рўй-рост гапирилди. Транспортчилар кейинги пайтларда парҳез нонлар ёпиш номаълум сабаблар билан тўхтатиб қўйилганлигини, «Ўзбекистон» кинотеатрида кундузги сеанслар учун билетлар 45 тийиндан сотилаётганлигини, корхонада маиший хизмат шохобчаси йўқлигини маълум қилдилар. Ташкилот раҳбарлари бу саволларни тезда ўрганиб, шошилинч чоралар кўрдилар.

Орадан кўп ўтмай бирлашмада якка тартибда кийим-бошлар тикиш ва ремонт қилиш фабрикасининг қабул пункти очилди. Бичиқчи А. Абдуқодирова дастлабки буюртмаларни қабул қила бошлади. Шаҳар кинотеатр ва киноқурилмалар дирекцияси эса транспортчилар сигнали бўйича барча кинотеатрлар бўйлаб текшириш ўтказди. Билетлар нархида аниқ тартиб ўрнатилди.

Омма билан бўлаётган юзма-юз суҳбатлар кўпгина социал ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмаклашаяпти. Лекин айрим раҳбар ходимлар ўзларини баъзан бундай суҳбатлардан олиб қочишяпти.

Ягона сиёсий кунлар машғулотини ўтказишга кўп ҳолларда область ташкилотларининг раҳбарлари ҳам таклиф этилади. Улар билан бўладиган учрашувларга одатда алоҳида ҳозирлик кўрилади, олдиндан эълонлар осиб қўйилади, аудиториялар бирлаштирилиб, тингловчилар сони оширилади. Одамлар йиғилади-ю, лекин айтилган раҳбарлардан дарак бўлмайди. Номаълум сабабларга кўра маданият ходимлари область касаба союз комитети раиси М. Жалилова, область соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Бекнозова, область комсомол комитети секретари Ф. Хўжаева ягона сиёсий кун машғулотларига келмадилар.

Шаҳар ташкилотлари раҳбарлари ҳам баъзан турли баҳоналарни рўкач қилиб, сиёсий докладлар билан чиқишдан ўзларини олиб қочмоқдалар. Автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш станцияси директори С. Каплинов, ғишт заводи директори А. Иброҳимов, маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи А. Алиев, адлия ходимлари шунга одатланишган. Уларга алоқадор саволлар кўп ҳолларда муаллақ қолаяпти.

Демократия чуқурлашиб, ошкоралик кенгайиб бораётган ҳозирги даврда омма билан янада яқинроқ бўлиш керак. Эндиликда одамларнинг дилидаги гаплар тилига чиқаяпти, муаммолар дадил қўйилаяпти. Бу муаммолар қанчалик тез ҳал этилса, жадаллаштириш жараёни шунчалик тезлашади. Жамиятимиз салбий ҳолатлардан мусаффо бўлади.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Бекобод шаҳри.**



● «УЗАГРОРЕМОНТ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тажриба ремонт-механика заводида Улуғ Октябрь юбилейи шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа тобора авж олдириляпти. Меҳнат беллашувига ҳар ойда якун чиқарилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Суратда: пешқадам ремонтчи слесарлар (чапдан ўнгга) С. Писчасов, П. Коршиков, Р. Байдамшин ва Қ. Хайдарбеков.

М. Нуриддинов фотоси.

*

ЧИНОЗ РАЙОНИ ХАБАРЛАРИ

## ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

**● УЛУҒ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилган «Октябрь 40 йиллиги» колхози чорвадорлари қувончли ютуқни қўлга киритдилар.**

Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани муддатидан олдин, ортиғи билан бажарилди. Қабул пунктларига пландаги 293 тонна ўрнига 324 тонна, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 69 тонна кўп маҳсулот топширилди.

Хўжалик зафарига муносиб улуш қўшган М. Қирғизбоева ва С. Бойбекова сингари тажрибали соғувчилар айни кунларда ҳам қарамоғларидаги сигирлар маҳсулдорлигини 11—12 килограммга етказмоқдалар.

Шунингдек, колхоз меҳнаткашлари йиллик гўшт тайёрлаш планини ҳам бажардилар. Давлатга пландаги 47 тонна ўрнига 50 тонна гўшт сотилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 549 килограммни ташкил этди. Бу район хўжаликлари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир.

## ПУДРАТЧИ ЗВЕНО

**● «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида паррандачиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Шу туфайли бу соҳа ривожланиб боряпти.**

Паррандабоқарлар ҳозиргача давлатга пландаги 79 минг дона ўрнига 93 минг дона тухум сотиб, ярим йиллик планни ортиғи билан бажаришди.

— Фермамизда 5000 дан ортиқ парранда боқилади. Уларни рацион асосида парваришлаётганлигимиз туфайли маҳсулот етиштириш тобора кўпайиб бормоқда, — дейди оилавий звено бошлиғи А. Абдураззоқов. — Бунда пудрат асосида иш юритганлигимиз, айниқса, қўл келмоқда. Биз бу йил халқимизга 160 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини олиб меҳнат қилаяпмиз.

**Т. ТУҚЛИБОЕВ.**

*27 июнь—ихтирочи ва рационализаторлар куни*

# ИЗЛАНИБ, ТАКОМИЛЛАШТИРИБ

**БУГУН ихтирочи ва рационализаторлар куни. Улар мамлакатимиз корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, ресурсларни тежаш, бир сўз билан айтганда илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Мухбиримиз М. Қосимова Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Тошкент область совети раиси А. З. АБДУЛЛАЕВ билан учрашиб областимиз ихтирочи ва рационализаторларининг бу муҳим вазифанинг амалга оширилишига қўшаётган ҳиссаси ва улар олдида турган вазифалар ҳақида суҳбатлашди.**

**— Аркадий Зиннатьевич, ҳозирги қайта қуриш шароитида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш долзарб масала бўлиб қолди. Областимиз ихтирочи ва рационализаторлари шу муҳим вазифани амалга оширишга қандай ҳисса қўшаяптилар?**

— 1986 йилда ихтирочилар ва рационализаторлар билан ишлаш ўтган йиллардагига қараганда анча яхши йўлга қўйилди. Ихтиролар билан берилган буюртмалар сони 11 процентга ошди, 856 ечим учун авторлик гувоҳномаси берилди. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йиллардагидан 15 процентга ортиқдир. Халқ хўжалигида биринчи бор 409 та ихтиро ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Областда техника ижодкорлари сони 939 кишига кўпайди. Ихтирочилик таклифлари билан мурожаат қилган авторлар сонининг ўсиши 16,7 процент, фойдаланилган рационализаторлик таклифлари миқдори 9,8 процентни ташкил этди. Тошкент шаҳрида эса бунинг акси бўлди. 1986 йилда рационализаторлик таклифлари билан мурожаат қилган авторлар сони ҳам, фойдаланилган рационализаторлик таклифлари сони ҳам 1985 йилдагига қараганда камайди. Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олинган иқтисодий самара эса 13 миллион сўмга камайиб кетди.

**— Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ихтирочи ва рационализаторлар ишларини ҳам тубдан қайта қуришни талаб қилади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Ихтирочи ва рационализаторларнинг область совети ўз ишини КПСС Марказий Комитетининг (1985 йил) апрель Пленуми қарорлари асосида такомиллаштира бориб, область касаба союз комитети билан биргаликда область бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар, меҳнаткашларнинг ижодий бирлашмалариаро социалистик мусобақасининг янги шартларини ишлаб чиқди. Бу тадбир уларнинг илмий-техника тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини яна ҳам оширишга хизмат қилиши керак.

Бу мусобақа авваламбор ўзининг пировард натижага қараб ташкил қилинганлиги ва унда область халқ хўжалиги тармоқларининг барча корхона ва ташкилотлари, меҳнаткашларнинг ижодий бирлашмалари, якка тартибда иш олиб борувчи ихтирочи ва рационализаторлар ҳам иштирок эта олиши билан ажралиб туради.

Ихтирочи ва рационализаторларни касаба союзлар комплекс программасини бажариш ишига жалб қилиш мақсадида ВОИР область совети, область касаба союзлари совети ва илмий-техника жамиятлари билан биргаликда қўл меҳнатини бартараф қилишга қаратилган энг яхши таклифлар учун конкурс ўтказилди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, айрим корхоналарда, кўрик-конкурслар қизиқарли ташкил қилинмаяпти. Жумладан машинасозлик, химия саноатининг қатор корхоналарида йилига 5—7 кўрик-конкурслар ўтказилади. Афсуски, улардан самара кам бўлаяпти.

Ихтирочи ва рационализаторлар ишларининг яхшиланиши учун ВОИР область совети қошида агросаноат комплекси, автомобиль транспорти ва тош йўллар қурилиши, саноат материаллари, радиоэлектрон саноат бўйича тармоқ секциялари, ёшлар ўртасида техника ижодкорлигини ривожлантириш секциялари ташкил қилинди. Лекин агросаноат комплекси, қурилиш ва саноат қурилиши материаллари ҳамда автотранспорт секциялари ниҳоятда суст ишлаяпти. Бу жойлардаги масъул кишилар ҳам ўз ишларини қайта қуриб оладилар, деган умиддамиз.

**— Ихтирочи ва рационализаторлар ишлари яна ҳам самаралироқ бўлиши учун уларга қандай имконият ва шароитлар яратиб беряпти?**

— Бу борада ёшлар рационализаторлик мактаблари яхши самаралар беряпти.

Янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муаммосини ҳал қилиш мақсадида, ВОИР Марказий Совети ва Ихтиролар бўйича давлат комитети СССР Министрлар Советига хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлади.

Бу таклиф жорий қилиш ташкилотларини хўжалик ҳисоби ва кооператив асосларда ташкил қилиш, хўжалик механизмини ва нархнаво, шунингдек ихтирочи ва рационализаторлик таклифларидан планли равишда фойдаланишни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иттифоқ қарорига мувофиқ равишда якка тартибда иш олиб борувчи техника ижодкорлигини ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Унда корхоналар, ташкилотлар, маданият уйлари ва саройларида, ҳунар-техника билим юртларида техника ижодкорлиги клублари ташкил қилиш назарда тутилади. Бу қарорнинг бажарилиши янги техниканинг якка тартибда иш олиб борувчи ижодкорлари учун ўз янгиликларини металлда ишлаб кўришда материал ва асбобни қаердан олиш, деталнинг дастлабки нусхасини кимнинг жиҳозларида ясаш муаммоларини ҳал қилиб беради.

**— Байрам муносабати билан областимиз ихтирочи ва рационализаторларига қандай тилакларингиз бор?**

— Мен уларга ижодий муваффақият тилайман. Ҳозир партиямиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат бизга кенг имкониятлар очиб бераяпти. Улар ана шу имкониятлардан самаралироқ фойдаланишларини истардим.

# ҲАР СОҲА ЭЪТИБОРДА

БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Турсунбой Мирсолиев етакчилик қилаётган пудратчи бригада азаматлари бу йил 114 гектар майдонга пахта ва 32 гектар майдонга дон учун маккажўхори экишган.

Айни кунларда мавжуд майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилиб олинди. Барча пайкаллардаги ғўзалар баравж. Айниқса, яганалашда фақат соғлом кўчатлар қолдиришга эришилди. Бунда Қ. Абдужабборова, Ж. Қамбарова, Ш. Неъматоваларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бригаданинг тажрибали механизатори Н. Ғафуров «Беларусь» агрегатининг бенуқсон ишлашини таъминлаб, ғўза қатор ораларида минерал ўғитлар билан учинчи марта культивация ўтказмоқда.

Коллективнинг моҳир сувчилари И. Бойзоқов, Б. Деҳқонов, Э. Бегматовлар экинларни чилла сувига қондирмоқдалар.

А. Эркаев, М. Шукуровлар бошлиқ пудратчи звеноларда эса маккажўхорини чопиқ қилиш, бегона ўтдан тозалаш ишлари қизғин боряпти. Пудратчиларнинг аҳди Улуғ Октябрь юбилейи нишонланадиган йилда мавжуд майдондаги экиннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «қаҳрабо дон» ва 600 центнердан кўк масса етиштиришдан иборат.

**Н. ТЕМИРОВ.**

*ДИН ҲАҚИДА МУЛОҚОТ:* Суҳбатни фалсафа фанлари доктори, профессор Т. С. САИДБОЕВ олиб боради

# ПАЙҒАМБАРЛАР, УЛАР КИМЛАР?

И: Аввалги суҳбатимизни ёдга олайлик. Демак, VII аср бошларига келиб Арабистонда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни тушунтириб бера оладиган, бойларга ҳам, камбағалларга ҳам маъқул келадиган мафкура — ислом пайдо бўлган. У барча мўминлар Оллоҳ измига бўйсунишлари лозим, худо одамларни бир хилда яратган эмас, бир одам баланддир, бири эса — паст, деб уқтирган. Шундайми?

С: Худди шундай.

И: У ҳолда талай саволлар туғилади. Масалан, нима учун араблар келиб-келиб Оллоҳга сиғина бошладилар, ислом динини кимлар тарғиб қила бошлади, қандай қилиб?..

С: Жавобларни батартиб олмоқ учун, саволларни ҳам тартиб билан қўймоқ даркор. Шунда суҳбатимиз мантиқи бузилмайди. Шундаймасми?

И: Нима учун янги динни бойлар ҳам, камбағаллар ҳам, ўз қабиладошлари устидан ҳукм ўрнатган золимлар ҳам, буларнинг зулмига қолган мазлумлар ҳам ахтарганлар?

С: Аввало, қабила ва уруғ бошлиқлари, уларнинг аъёнлари, бой савдогарлар қўлида катта бойликлар, мол-ҳол, энг яхши ерлар, қимматбаҳо буюмлар ҳамда қуллар тўплана борган. Табиийки, буларнинг ҳаёти роҳат-фароғатда, айш-ишратда кеча бошлаган, уларнинг тиллари бурро, қўллари узун бўлиб, бошқалар устидан ҳокимиятни мустаҳкамлаб борганлар.

И: Шундай бўлса, уларга яна нима керак эди?

С: Ишонч керак эди. Ушбу ҳукмронлик мавқелари сақланиб қолади, бошқалар ҳисобига кун кўришлари абадий бўлади, деган ишонч лозим эди. Чунки камбағаллашиб қолган кўпчилик қабиладошларнинг норозилиги аён эди. Уларни фақат қамчи зарбаси билан жисмоний жазолаш йўли билан ишлатиш кўпга чўзилмас эди. Эзилган оммани итоатда ушлаб туриш, уни ўз тақдирига тан бериб, зулмга чидашга ўргатиш воситасини қидирганлар. Яъни, ўз қуллик қисматини ўзининг онги ва эътиқоди орқали тан олдирадиган, оммани маънавий асоратда ушлаб турадиган мафкура бойларга жуда зарур бўлган ва бу ислом шаклида пайдо бўлган.

И: Бундан чиқди, демак шундай қилиш ҳукмдорлар ва зўравонлар учун фойдали. Лекин нима учун ислом дини камбағалларга маъқул бўлди, ахир тенгсизликни ёқлаяпти-ку?

С: Албатта, мазлум халқ пайдо бўлган ҳақсизлик ва адолатсизликни ҳис қилган. Зеро кун сайин ортиб бораётган ижтимоий зулм ва қарамликни, таҳқир ва ҳақоратни, очлик ва қашшоқликни англамай илож йўқ эди. Меҳнат, аҳли айрим кимсаларнинг тўкин-сочин ҳаёти ўзларининг пешона терлари эвазига бўлаётганини фаҳмлай бошлаган.

И: Шундай ҳолат меҳнаткаш оммага маъқул бўлмагандир, ахир?

С: Албатта-да. Барча баробар бўлган, инсон қадр-қиммати бойлиқ билан ўлчанмайдиган ўтмиш замонни қайтаришни меҳнаткаш омма, табиийки, ҳоҳлар эди. Бироқ у мавжуд ижтимоий тартибларни ўзгартиришдан ҳам, зулмни кучайтираётган вазиятни қайта қуришдан ҳам ожиз эди. Мана шундай ожизлик, ночорлик, ўз кучига ишонмаслик ғайритабиий кучларга эътиқодни мустаҳкамлаган. Ҳаётни яхшилаш, адолатни тиклаш, зулмни тугатишда фақат илоҳий кучлардан нажот кутганлар.

И: Демак айтмоқчисизки, адолат ва тинчлик йўқолган жойда дин пайдо бўлади. Ғайритабиий кучларни ахтариш сабаблари менга аён бўлди. Лекин бошқа тарафи қоронғу: нима учун айнан Муҳаммад ислом дини пайғамбари сифатида майдонга чиққан.

С: К. Маркс уқтирганидек, «дин унга эҳтиёж сезган ва омманинг диний эҳтиёжларини тушунган одамлар томонидан яратилади». Муҳаммад арабларнинг диний эҳтиёжини тушунган кишиларнинг бири бўлган.

И: «Бири бўлган» деганингиз нимаси? Муҳаммаддан олдин ҳам бу ғояларни тарғиб қилган кишилар бўлган, демоқчимисиз?

С: Муҳаммаддан анча олдин ҳам, унинг ҳаёт даврида ҳам ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар кўп бўлган. Хўш, одамлар кимларни пайғамбар дейишини билсангиз керак?

И: Бу ҳақда гаплашган эдик: ўз фикрларини гўё худодан, илоҳий кучлардан оладиган зотларни пайғамбар дейишган.

С: Тўғри, шундай кишилар ҳам, буларнинг атрофидаги одамлар ҳам бунга ишонишган. Араб тарихи Муҳаммадга қадар ўтган анча пайғамбарларнинг, ҳатто уларнинг ўтмишдошлари бўлган коҳинларнинг кўпини билади. Кишилар маслаҳат сўраб мурожаат этадиган кимсаларни шундай деб аташган.

И: Пайғамбарга бу коҳинларнинг нима алоқаси бор?

С: Пайғамбарлар ҳам аслида маслаҳатчилар бўлишган. Аммо фарқи шундаки, уларнинг бирор масала юзасидан маслаҳатларини, кўрсатма ва қарорларини олиш усуллари турлича бўлган.

И: Таажжуб.

С: Коҳинлар ўз атрофидагилардан бир хусусияти билан ажралиб турганлар. Улар ўз-ўзидан, ташқи бирор таъсир бўлмаса ҳам, қўққисдан жазавага тушганлар, яъни руҳий талвасага тушиб, худолар билан «муомала» қила бошлаганлар, «илоҳий кароматларни» оча бошлаганлар. Бундай ҳолат коҳиннинг ўз ихтиёри билан содир бўлмай, балки уни кутиш лозим бўлган.

И: Гапингиздан маълум бўлдики, коҳинларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам руҳий касалликларнинг бир турини эслатади.

С: Топдингиз. Медицинада эпилепсия деб аталади.

И: Коҳинлар нима билан машғул бўлганлар, уларнинг тирикчилиги қандай ўтган?

С: Улар келажакни олдиндан айтиб бериш, ҳали содир бўлмаган воқеалар хусусида фол очиш, йўл-йўриқ, маслаҳат бериш билан кун кўрганлар. Албатта, реал воқеликни тушунтириш, жамият ҳаётидаги ўзгаришларни шарҳлаш билан эмас, бирор одам турмушидаги масалалар бўйича маслаҳат беришни маъқул кўрганлар. Жамиятдаги мавжуд тартиб-қоидалар уларни жуда ҳам қаноатлантирган.

И: Бўлмаса, Муҳаммаднинг, бошқа пайғамбарларнинг бу коҳинлар билан умумийлиги нимада?

С: Ҳозиргина айтиб ўтганимдек, коҳинлар ўз кароматларини маълум бир руҳий ҳолатга тушганда «қабул қилганлар». Бундан Муҳаммад пайғамбар ҳам мустасно эмас. У «илоҳий каромат» оладиган, яъни худо билан муомала қиладиган руҳий ҳолатни ўзича ҳосил қилолмай уни кутган, яқинлашаётганини сеза олган. Коҳинлар каби, у ҳам худо билан бевосита гаплашмай, унинг ўзини кўрмай, гўё воситачилар, фаришталар, руҳлар орқали мулоқотда бўлган.

И: Коҳинлар билан пайғамбарлар ўртасидаги конкрет фарқ нимадан иборат?

С: Ҳа, дарвоқе, пайғамбарларни айрим шахсларнинг қисмати эмас, жамиятдаги ишларнинг ҳолати кўпроқ қизиқтирган. Улар араб қабила ва уруғлари орасидаги низо-тафовутлардан, кишилар ўртасида пайдо бўлган мулкий тенгсизликдан, умуман содир бўлаётган кўнгилсиз ўзгаришлардан ташвишга тушганлар. Улар қабилаларни бирлаштиришга, вазиятни юмшатишга, бу ўзгаришлар сабабини тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар.

И: Муҳаммадга ўтмишдош ва замондош бўлган пайғамбарлар кўп бўлганми?

С: Ҳар ҳолда, кам эмас. Мутахассисларнинг уқтиришича, VII аср бошларида ҳатто пайғамбарчилик ҳаракати бўлган, дейишга ҳам асос бор. Арабистоннинг турли ерларида ўз юртларини инқироздан чиқаришга уринган кўплаб пайғамбарлар бўлганлиги маълум. Муҳаммад билан бир даврда Маслама (мусулмонларнинг масхаралаб айтишича — Мусайлима), ал-Асвод, Гулайха, Ибн Саййод кабилар, ҳатто аёл-пайғамбор — Сажжоҳ тарғибот юритганлар.

И: Муҳаммадга буларнинг муносабати қандай бўлган?

С: Ҳеч қандай. Улар Муҳаммад каби арабларни якка худоликка тарғиб қилишган, лекин на унинг тарафдори, на издоши бўлмаганлар, ўзлари мустақил фаолият олиб борганлар.

И: Муҳаммаднинг «кароматлари» Қуръонга ёзилганми?

С: Ҳа, Қуръон Муҳаммадга гўё «нозил» қилинган «илоҳий кароматлар» мажмуасидир. Бироқ, исломда муқаддас ҳисобланган бу ёзувлар, Муҳаммад вафотидан кейин тўпланган. Қуръон тўғрисида биз ҳали суҳбатлашамиз. Ҳозир Муҳаммад ҳақида давом этсак, қарши эмасмисиз?

И: Асло. Бир савол жуда қизиқтиряпти. Балки Муҳаммаднинг бу қадар муваффақият қозонишида унинг келиб чиқиши, қариндошлик алоқалари қўл келгандир?

С: Унчалик эмас. У 570 йилда туғилган, ёш етим қолиб, бобоси ва амакиси қўлида тарбияланган. 591 йили бадавлат бева аёл Ҳадичага карвон етакловчи бўлган, тўрт йил ўтгач унга уйланган. Бу вақтда Ҳадича Муҳаммаддан деярли 15 ёш катта бўлиб, илгари икки марта турмуш қурган, улардан икки ўғил ва бир қизга ҳам эга эди. Ҳадича Муҳаммаддан яна икки ўғил ва тўрт қиз кўрган. Бироқ, уларнинг кўп фарзандлари вафот этиб, фақат ёлғиз қизи — Фотима авлодларини давом эттирган. Муҳаммад 632 йили вафот этган.

И: Сиз шу қадар ёрқин ва аниқлик билан гапиряпсизки...

С: Бунинг боиси нима демоқчисиз-да. Сабаби, бу ҳақда жуда кўп далиллар, тарихий материаллар сақланиб қолган. Муҳаммаднинг оилаю-қариндошларининг роли хусусида гапирганда шуни айтиш керакки, 25 йил биргаликда кечирган умрлари мобайнида Ҳадича (620 йилда вафот этган) ўз ёрдамини, ҳатто барча бойликларини ҳам Муҳаммаддан аямаган. У биринчи бўлиб пайғамбарга имон келтирган. Яқин қариндошлари ҳам унга ихлос қўйиб, ёнида бўлишган, Муҳаммаднинг омади келган пайтларда ҳам, мағлубиятга учраган вақтларида ҳам садоқат кўрсатганлар.

И: Шу ўринда бир нарсани аниқлаб олсак. Ахир адолат тантанасини, ёвузликнинг жазоланишини кутаётган одамлар ўз-ўзича янги пайғамбарга эргашмагандир? Зотан у бой ва камбағаллар ўртасида мулкни, бойлик, ер ва мол-ҳолни тенг тақсимлашга даъват этиш ўрнига, бундай тенгсизлик худодан, деб уқтирган-ку?

С: Гапингиз тўғри. У одамларга охиратни — яъни нариги дунёни ваъда қилган, холос.

И: Аммо VII аср араблари учун бу янги гап эмас. Одамлар жуда қадимдан у дунё бор, жон ўлмайди, деб ишонишган. Бизга мактаб ёшида эканлигимиздаёқ айтишган — илгари одамларни барча асбоб-анжомлари билан дафн этишар, подшо ва ҳукмдорларни ёнига тирик хотин ва қулларини ҳам бирга кўмишар экан.

С: Сиз ҳақсиз. Лекин бир жиҳати бор. Исломгача бўлган тасаввурларга қараганда ўлган одам бу дунёдан тамом ажралиб, у дунёда на мукофот, на жазога сазовор бўлмаган. Муҳаммад эса, инсоннинг ўлими ҳаётининг давомидир, охиратда ҳар бир кимса ердаги қилмишларига кўра тақдирланади ёки жазога маҳкум этилади, деб уқтирди. Исломнинг араблардаги барча бутпарастлик динлардан фарқи ҳам худди шундадир.

И: Муҳаммад киритган диний ўзгартишлар фақат шуларми?

С: Бу ҳақда кейинги суҳбатимизда гаплашамиз.

**4-мулоқот. Боши газетанинг 22, 28 май, 9 июнь сонларида**

